

40

(407)

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Oktabr

D.	31	3	10	17	27
S.	4	11	18	25	
Ch.	5	12	19	26	
P.	6	13	20	27	
J.	7	14	21	28	
Sh.	1	8	15	22	29
Y.	2	9	16	23	30

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



Юртимизда олтин куз.

Абдувоҳид Тўраев олган сурат

ТАЙИНЛОВ



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 15 сентябрдаги буйруғи билан Эргаш Менглиев Хоразм вилоят прокурори этиб тайинланди.

Эргаш Менглиев 1955 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий, 1982 йилда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факултетини тамомлаган. 1982 йилда прокуратура тизимига ишга ўтиб, Шўрчи туман прокуратурасида иш ўрганувчи, терговчи, туман прокурорининг ёрдамчиси, Сурхондарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, Олтинсой туман прокурори, Сурхондарё вилоят прокурорининг ўринбосари, биринчи ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган. 1993-2004 йилларда эса Термиз шаҳар прокурори, Шўрчи ва Денов туман прокурори вазифаларида ишлаган. 2004 йилдан Республика Бош прокуратурасига ишга ўтиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY SUDIDA

ЖАБРАНУВЧИЛАР КЎРСАТМА БЕРМОҚДА

Шу йилнинг 12-13 май кунлари Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатларининг фаол иштирокчилари ҳисобланган 15 нафар айбланувчи устидан олиб борилаётган суд жараёни Олий судда давом этмоқда. Шу вақтгача айбланувчиларнинг кўрсатмалари тингланган эди.

Айни пайтда авж палласига етган суд жараёнида жабранувчиларнинг кўрсатмаларини тинглов экансиз, ўша кунги воқеалар, амалга оширилган ҳунрезликлар баъзи хорижий ОАВлар тасвирлагани каби «тинч намоийшнинг ўққа тутилиши» эмас, балки олдиндан тайёрланган курулли ҳуруж эканлигига амин бўласиз. Айниқса андижонлик Анорбой Топилдиевнинг кўрсатмаси суд залига йиғилганлар қалбини ларзага солди. Ўғлидан жудо бўлган отанинг дарду

оталари ҳам бор. Жабранувчиларнинг сўзларини тинглар экансиз, ўша кунги воқеалар, амалга оширилган ҳунрезликлар баъзи хорижий ОАВлар тасвирлагани каби «тинч намоийшнинг ўққа тутилиши» эмас, балки олдиндан тайёрланган курулли ҳуруж эканлигига амин бўласиз. Айниқса андижонлик Анорбой Топилдиевнинг кўрсатмаси суд залига йиғилганлар қалбини ларзага солди. Ўғлидан жудо бўлган отанинг дарду

ҳасратига кўпчилик дош беролмади.

Суд мажлисида яна кўплаб жабранувчиларнинг кўрсатмалари тингланди. Террорчилик ҳаракатлари содир этилаётган вақтда гаровда бўлган жабранувчиларнинг кўрсатмасида улар қай тариқа гаровга олингани, террорчилар томонидан қандай қийноқларга дучор қилингани ва террорчиларнинг режалари яна бир бор айтиб ўтилди.

Суд ўз иштини давом эттирмоқда. Яқин кунларда барча масалаларга сўнгги нуқтани қўйилади. Ундан олдин эса бирор хулосага келишга эрта.

Ўз мухбиримиз

ХАВАР

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Фаргона вилоят прокуратурасида мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи Б.Жўраев оилани мустаҳкамлаш, никоҳдан ажратиш ишларини камайтириш борасида маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар кўмиталари, диний-маърифий, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар фаолиятини таҳлил қилиб берди. Никоҳдан ажралиш кўпайиб бораётганининг ижтимоий-иқтисодий сабаблари билан бирга ёшларни оила қуришга тайёрлаш борасидаги маънавий-маърифий ишлар кўзланган самарани бермаётгани, Оила бузилишининг яна бир сабаби — норасмий никоҳ ўқитишлар туфайли қўшхотинликка

йўл қўйилапти.

Вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари Р.Холматов аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунлар ижроси ҳақида сўзлар экан, меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вилоят бошқармаси фаолиятидаги қонунбузилиш ҳолатлари, камчилик ва нуқсонларга эътибор қаратди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар ушбу муаммоларнинг ечими хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш қўрилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилди.

Исроил ИБРОХИМОВ,
«Huquq» мухбири

SEMINAR

ИНСОН ҲУҚУҚИ ВА ҲИМОЯСИ

Республика Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказининг Фаргона филиалида «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси прокуратура органларининг асосий вазифаси» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти — Омбудсманнинг Фаргона вилояти бўйича вакили вазифасини бажарувчи, политехника институти ректори Р.Тожиёв инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Омбудсман ва прокуратура ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида сўз юритди.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси Б.Исмоилов, вилоят адвокатлар раёсати раиси А.Қурбонов, марказ катта ўқитувчиси З.Зариповлар суд, адвокаттура органларининг ушбу йўналишдаги фаолияти, жиноятларни очиш ва тергов қилишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Вилоят прокурори А.Холмаҳматов республика қонунчилиги инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид халқаро битим ва конвенциялар билан ҳаммаҳанглигини таъкидлади. Прокуратура органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қонунлар асосида ҳимоя қилишдаги муҳим вазифаларини кўрсатиб ўтди.

Ўз мухбиримиз

СВОЖЖК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Юнусобод туманида фуқаро С.Абдуллаев 495 литр спиртни фуқаро А.Бобоева 650 минг сўмга сотётган вақтда ушланган. С.Абдуллаевнинг гаражидан яна 495 литр спирт мавжудлиги аниқланди ва ундан 1 млн. 300 минг сўмлик 990 литр спирт далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Қашқадарё вилоятидаги «Агро Кимё» ОХЖ ҳайдовчиси Н.Тошпўлатов 900 кг. аммиакли селитрани ноқонуний равишда фуқаро Р.Эшмуродовга сотётган вақтда ушланди. Текширувда «Агро Кимё» ОХЖ омбори мудир Ф.Файзуллаев Н.Тошпўлатов билан олдидан келишиб, 18 коп аммиакли селитрани ҳеч қандай ҳужжатларсиз бериб юборганлиги аниқланди.

Косон туман «Давлат кадастр бошқармаси» раҳбари Э.Ишматов ва «Таом» МЧЖ раҳбари А.Мама-назаровлар олдидан тил бириктиришиб, жамиятга қарашли 0,21 гектар ерни «Ақбар» ХИЧСКга берилганлиги тўғрисида ҳужжатларни расмийлаштирган, аслида эса фуқаро Ш.Шониевга 2 млн. 100 минг сўмга сотиб юборганликлари маълум бўлди.

Арносай туманидаги «Коммунал хўжалиги» корхонаси раҳбари Б.Мухторов бюджетдан ажратилган 747,2 минг сўм маблағни аслида корхонада ишлайдиган фуқароларнинг иш ҳақи ҳисобидан деб, турли корхона ва ўқув юртларига ўтказиб юборган.

Бухоро туманидаги «Фидокор плюс» ХК раҳбари Ш.Файзуллаев улгурчи савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи қалбаки гувоҳномадан фойдаланиб, 105 млн. 378,4 минг сўмлик улгурчи савдо фаолиятини амалга оширган.

Шахрихон туманида жойлашган «37-сонли автокорхона» ҳайдовчиси К. Комилов бошқарувдаги «ЗИЛ» автомашинасида «Пахтатозлаш» ХЖдан 192,3 минг сўмлик 6375 кг. техник чигитни «Асакаёв» ХЖга етказиб бериш учун олиб, ҳужжатларда расмийлаштирилмаган ва ортиқча олинган 790 кг. техник чигитни ноқонуний равишда фуқаро О.Адиловнинг уйига тушириб берганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, Шахрихон шаҳрида яшовчи фуқаро О.Адилов ёғ ишлаб чиқарадиган яширин цех ташкил этганлиги аниқланди, унинг уйдан 540 кг. пахта ёғи, 1025 кг. қунжара, 790 кг. техник чигит, электродиригач тел ва бошқа ускуналар далилий ашё сифатида олинган.

Юкоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган.

PROKUROR PROTESTI BILAN

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

Халқимиз уйни ватанга қиёслаши бежиз эмас. Чунки уй оила тинчлиги, фаровонлиги тимсолидир. Шу мақсадда Ли Чжон Сук 1996 йили Самарқанд шаҳридан Алберт Арустамяндан 50.000 сўмга уй-жой сотиб олади. Бундай келишувга эришилганидан ҳам олувчи, ҳам сотувчи хурсанд.

Уй учун келишилган пулни гувоҳлар иштирокида олган А.Арустамян бу ҳақда тилхат ёзиб бериб, олди-сотди шартномасини ўзи расмийлаштириб беришни ваъда қилди. Орадан кунлар, ойлар ўтса ҳамки, негандир А.Арустамяндан дарак бўлавермайд.

Аваллига бетоб бўлиб қолган ёки бирор юмуши чиқиб қолган бўлса керак деган ҳаёл билан Сук оиласи билан бамайлихотир яшай-верди. Аммо ярим йил ўтса ҳам Арустамяннинг келавермаганидан кўнглида бироз хавотир сезиб, кейинги пайтларда шаҳарда уй олди-сотдиси борасида фирибгарликлар бўлаётгани ҳақидаги миш-мишларнинг ростлигига ишона бошлади. Ва бирор қор-ҳол юз бериб катта микдордаги пулга қу-йиб, кўчада қолмадан чўчиган Сук Самарқанд шаҳри Йўлдош Охун-бобоев 2-тор кўчасидаги 72-уйда 1996 йилнинг январ ойидан буюн оиласи билан яшаб келаётганини кўрсатиб, мазкур уйга нисбатан тузилган олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш хусусида судга мурожаат этди.

Самарқанд шаҳар суди иш материаллари билан танишиб чиққан, даъвогарнинг талабини қаноатлантириш тўғрисида қарор чиқаради.

Ишнинг қонуний ҳал этилганидан хурсанд бўлган Сук тинч яшай бошлади. Лекин 2003 йилнинг сентябрга келиб, бу хотиржамликни Самарқанд вилоят суди раёсатининг қарори бузади. Уйнинг соҳиб

эгаси А.Арустамян биринчи инстанция судининг қарори билан тасдиқланган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиб, уни бекор қилишни ва Ли Чжон Сукни оиласи билан уйдан мажбурий равишда қўчиришни сўраган эди. Иш ҳолатларини атрофича ўрганмаган, қолаверса қонунларда белгиланган даъво мuddатига эътибор қилмаган раёсат даъвои қаноатлантиради.

Бундан норози бўлган Ли Чжон Сук қонуний ҳуқуқларини тиклашда ёрдам беришни сўраб Республика Бош прокуратурасига мурожаат этди. Унинг шикоятни ўрганганидан, суд амалдаги Фуқаролик-процессуал кодексининг 350-моддаси талабларига зид равишда қарор қабул қилганлиги маълум бўлди. Чунки мазкур моддага кўра, суднинг ҳал қилув қарори қонуний қўчига қиёган кундан бошлаб уч йил ўтигандан кейин берилган аризалар қўрилмайд.

Бирок суд 1996 йилнинг 27 майда қабул қилingan қарорни тўққиз йилдан сўнг бекор қилиб, процессуал хатога йўл қўйган.

ФПКнинг 312-моддаси 4-банди

талабига мувофиқ, моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланиши суд қарорини апелляция, кассация ва назорат тартибда бекор қилишга асос бўлади. Бош прокуратуранинг ана шуларга асосланган ҳолда Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатига киритган протести қаноатлантирилиб, Ли Чжон Сукнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тикланишига эришилди.

Қонун нормасининг унда белгиланган тартибда қўлланиши қонун устуворлигининг кафолатидир. Қонун талабини четлаб ўтиш ёки уни бошқача талқин қилиш қонунга нисбатан ҳурматсизлик ҳиссининг шаклланишига олиб келиши мумкин. Биз фуқаролик жамияти, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишни мақсад қилган эканмиз, ушбу эзгу ниятга етишиш учун аввало мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашимиз лозим.

Р.МУҲАММЕДИНОВА,
Республика Бош
прокуратураси бўлим прокурори



Ғузур туман прокурори Р.Ҳайитов ходимлари билан гадаги вазифаларни муҳокама қилмоқда.

PROKURATURA YORDAM BERDI

Ўз бошимдан кечирган воқеада прокуратура фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаб бераётганининг шохиди бўлдим. Андижон шаҳридаги тиббиёт институтда ассистент бўлиб ишлайман. 3 нафар фарзандимиз ўлғайиб воғга етётган эди. Уларни уйлаб-жойлаш тараддуидида 1998 йилнинг февралда шаҳар ҳокимлигига уй қуриш учун ер ажратиб беришларини сўраб мурожаат қилдим. Ҳокимлик аризамни қўриб чиқиб, ижобий ҳал қилди. Оиламизга шахарнинг А.Қурбонбоев тор кўчасида жойлашган 400 квадрат метр ер майдонини уй-жой қуриш учун ажратиб тўғрисидаги қарорни олиб бошимиз кўкка етди.

Оқилона ечим

Дастлаб қурилиш бошлаш учун шағал тўқтирдик. Бирок, маблаг ортиқроқ бўлиб, пойдеворини ҳам битказма олмадик. Орадан бир неча йил ўтди, кўчаларнинг бирда томоржанд хабар олгани борсак, кимдир пойдевор қўйдирик, атрофини олма гишт билан ўраб олибди. Суриштирсак, еримизга эга қиёқан Абдурахимжон Раҳимбоев экан. Аввалига яхшиликча гаплашдик, маҳалла қўмитаси ўртага тушди. Бирок, уқайтариб беришни пайсалга солаверди. Ниҳоят низои қонуний ҳал қилиб беришни сўраб шаҳар прокурори А.Аҳмедовга ариза ёздим. Прокуратура ходимлари аризамни ўрган-ди, чиқарди. А.Раҳимбоев ўзи тан олгандек, қаровсиз ётган ерга уй-жой қуриб, кейин ҳокимиятдан расмийлаштириб олмақчи бўлган, ер бизга тегишли эканидан беҳабар экан. Агар пойдевор ва девор қуришга кетган харажати тўласак, бизга бузмасдан топшираганини баён этди. Мулаҳассилар сарф-харажатларни ҳисобини чиқариб беришди. Биз А.Раҳимбоевга 100.000 сўм тўладик ва томоржамизни қайтариб олдик.

Муаммомизни қонуний ҳал қилишда бизга яқиндан ёрдам берган прокуратура ходимларига миннатдорчилик билдираман.

Иқболхон ҒАНИЕВА

FAOLIYATGA NAZAR

Ўзбекистон Конституциясининг 53-моддаси иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Кейинги йилларда Республикамизда бу борада қатор янги қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётти. Юртбошимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдими этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни қўқайтириш тўғрисида»ги қарори шулар жумласидандир.

Тадбиркор ҳуқуқи қонун ҳимоясида

Наманган вилоят прокуратураси органлари ушбу қарор ва фармонлар ижроси юзасидан текширишлар ўтказиб келмоқда. Бундай текширишлар бугун-гадлар солиқ, статистика, стандартлаштириш, ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва ҳокимликларда ўтказилиб, кўпгина қонун-бузилишлар аниқланди. Масалан, Мингбулоқ туман ДСЭНМ ходими Х.Ғаниев Жомашўй шаҳарчаси «Озодлик» кўчасида жойлашган, ҳусусий тадбиркор О.Иброҳимовга қарашли ошхонада ноқонуний текшириш ўтказган. ДСЭНМ бош врач эса қонунбузилишнинг бартараф этиш ўрнига тўплаган ҳужжатларга асосан тадбиркорнинг фаолиятини тўхтатиб қўйган.

Баъзи ҳокимликларнинг масъул мансабдорлари ҳам ваколат доирасига кирмайдиган ишларни қилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини бузганлар. Чуст тумани ҳокимининг ўринбосари Т.Рафиковнинг қонунга хилоф равишда 20 август куни «Севера» ҳусусий фирмасининг, 29 августда эса «Тоҳирбек-Отабек» фирмасининг спиртли-ичимликлар билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи лицензияларини тўхтатиб қўйганини бошқача изоҳлаб бўлмайди.

Вилоятдаги айрим назорат органлари ходимлари тадбиркорлик субъектларини ноқонуний жавобгарликка тортишган. Хусусан, Учкўрғон туман солиқ инспекцияси ходими И.Зулфиқоров «Акрамжон» фермер хўжалиги бошлиғи А.Мирзаев 2004 йилнинг биринчи ярми учун 1,5 фоизли йўл фонди ажратмаси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этмаганини асос қилиб, ҳуқуқбузар жавобгарликка тортиш мuddати ўтган бўлса-да, унга МЖТКнинг 175-моддаси 1-қисми билан 6000 сўм жарима солган. Бундай қонунбузилишларга солиқ идоралари 21 та, санитария-эпидемиология марказлари 43 та, статистика бўлиmlари 30 та ҳолатда йўл қўйган.

Бундан ташқари, солиқ инспекциялари ходимлари тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб

рақамларидаги маблағларни уларнинг руҳсатсиз олиб қўяётган ҳолатлар ҳам кўп учрамоқда. Тўрақўрғон туманида фаолият қўрсаётган «Мамадали» фермер хўжалигининг 33.398 сўм, «Осулов-М» фермер хўжалигининг 15.174 сўм, «Покиза» ва «Абдуғани» ҳусусий корхоналарининг 11.267 сўм маблағи ноқонуний равишда олиб қўйилгани фикримиз исботидир.

Яна бир ҳолат ҳақида гапириб ўтмасдан бўлмайди. Тадбиркорлик субъектларига улгурчи ва чакана савдо фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи гувоҳнома расмийлаштиришда Наманган шаҳри, Наманган, Тўрақўрғон, Уйчи, Учкўрғон, Чортоқ, Чуст, Янгиқўрғон туманларида 59 та ҳолатда 454.345 сўм микдордаги маблағнинг тадбиркорлик субъектларидан ортиқча ундирилганлиги Вазирлар Маҳкамасининг «Ориқид» ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига зид бўлиш билан бирга вилоятда тадбиркорликнинг ривожига йўллага қўйилаётган сунъий тўсиқлардан ҳисобланади.

Ўтазилган текширишлар ҳокимлик ҳамда назорат органларига фуқаролардан келиб тушган ариза ва шикоятларни ҳал этишда қонун талабларини қўпол равишда бузилаётганини кўрсатди. Жумладан, Янгиқўрғон туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи М.Дадабоев 23 нафар тадбиркорнинг фаолиятини кенгайтириш учун ер ажратиб бериш ҳақидаги аризаларини рўйхатга олмасдан уларнинг ҳуқуқларини бузиб келган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмакда.

Шухрат ҚОСИМОВ,
Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи,
Абдухоним МАДАТОВ,
«Huquq» мухбири

Тарбияда танасуфус бўлмайди

Бола камолотидаги энг муҳим нарс ҳар бир ишни қилишдан олдин унинг оқибатини ўйлашга одатлантиришдир, чунки пушаймон калтабинлик ҳосилдир.

«Саодатнома»дан

ҲАЛИ МУАММОЛАР БОР

Ҳеч қайси ота-она фарзандининг ногирон бўлиб туғилишини истамайди. Ногирон бола туғилса, бу ота-она учун катта мусибат бўлиб, оқибатда оиланинг маънавий ва иқтисодий аҳволига путур етади.

Жорий йилда туғма ногиронлиқнинг олдини олиш мақсадида республикадаги барча скрининг марказларида 549.771 долларлик 1519 комплект реагентлар тарқатилган ҳамда 37.878 нафар чақалоқ ва 22.396 нафар ҳомиладор аёл скрининг текширувдан ўтказилган. Тиббий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор берилганлиги натижасида болалар орасида ногиронлик 226 тага камайган.

Худудий комиссиялар томонидан тиббиёт муассасаларининг болалар соғлигини сақлашга қаратилган фаолияти мувофиқлаштириб борилаётганлиги, моддий-техника таъминоти яхшиланаётганлиги самара берапти. Мисол учун, Навоий кон-металлургия комбинатининг 5 та тиббий муассасасида инвентаризация ўтказилиб, 31 млн. 200 минг долларлик замонавий ускуналар сотиб олинган бўлса, Газли шахрида 6 млрд. 500 млн. сўм маблағ сарфланган замонавий шифохона ишга туширилган.

Қашқадарё вилоятида оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш ва гематология хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун Осиё тараққиёт банкининг 70 млн. АҚШ доллари миқдоридagi кредити ҳисобидан 95 млн. 752 минг сўмлик доридармон ва тиббий жиҳозлар келтирилган.

Кенг қамровли тadbирлар ўтказилиши натижасида мамлакатимизда ўтган йилга нисбатан оналар ўлими 50 фоизга, болалар орасида вирусли гепатит касаллиги 45 фоизга, менингит касаллиги 75 фоизга, гудаклар ўлими 3,6 фоизгача камайган.

Болаларга кўрсатиладиган эътиборни юрт келажагига

бўлган эътиборга менгашш мумкин. Афсуски, соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг масъулиятсизлиги оқибатида бу соҳада ҳам бир қанча муаммолар кўзга ташланмоқда. Масалан, Фарғона вилоятининг Риштон, Бағдод, Ўзбекистон ва Олтиариқ туманларидаги болалар поликлиникаси мукаммал таъмирга муҳтож, беморлар учун яратилган шароит талабга жавоб бермайди.

Қорақалпоғистон тиббиёт муассасаларида гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва токсикоманияга чалинган ота-оналар ва болалар ҳақидаги маълумотлар номигагина юритиб келинган.

Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун ажратилаётган маблағларни талон-тарож қилишга қарай кескин чоралар қўрилатганига қарамай тизимда бундай қонунбузилишлар ҳамон учраб турибди. Масалан, Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси мансабдорлари «Иброҳимбек» ҳусусий фирмасидан ҳаққий нархи 64 млн. 340 минг сўмлик металл қувурларни 83 млн. 618 минг сўмга сотиб олишган. Бу каби салбий ҳолатларни бошқа вилоятларда ҳам учратиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, тиббиёт соҳасида ечимини қутаётган муаммолар ҳали анчагина. Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюк бўлади. Шундай экан, фарзандларимизни ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилиш доимий эътиборимизда бўлиб қолаверади.

Толибжон УМАРОВ,

Республика Бош прокуратураси бўлими бошлиғи

Жиноятга баҳона бўлса бас, дейди аллома Арасту. Сабаб эмас, айнан баҳонанинг ўзи кифоя. Жиноятга қўл ураман деган одам учун эса баҳона топиш кийин эмас.

Бунга жиноятига яраша жазосини олган икки ўспириннинг қилмишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ҳали ўн саккизга ҳам кириб улгурмаган Салимжон (исмлар ўзгартирилган) учинчи марта суд олдида қилмиши учун жавоб берар экан, ўзини турли баҳоналар билан оқламоқчи бўлади.

ИҚРОРЛИКНИНГ ЎЗИ КИФОЯ ЭМАС

Жиноят тафсилоти бундай: вақт ярим тундан ошганда Салимжон тасодифий ошниси билан тунги «ов»га чиқади. «Ов» бароридан келмай, таксида қайтаётганларида улар ўтирган машинага чиққан яна бир йўловчи Е.К.нинг пўрим кийиниши, бўйнидаги тилла занжири, табиийки, «қаҳрамонимиз» диққатини тортмай қолмайди. Бунинг устига Е.К. ҳам ширакайфликда улардан қолишадиган даражада эмасди. Бу Салимжоннинг жанжал бошлаши ва уни машинадан тушириш учун айнан муддао бўлди. Мушталашувдан қўзлаган мақсади тилла занжирини қўлга киритиш бўлган Салимжон пайт пойлаб, рақибининг бўйнидаги занжирини юлиб қочди. Лекин унинг режаси иш бермади: милиция ходимлари томонидан дарров ушланди.

Унинг ўзини оқлаш учун тўқиган баҳонаси ўтмади. Нима эмиш, жабранувчи Е.К.нинг унга бепасанд қарагани ёкмаган эмиш. Тилла занжир масаласида эса, «узилиб кетган занжирини олиб бермоқчи эдим» дейди у. Суд жиноят иши материалларини кўриб чиқиб, гувоҳларнинг сўзларини тинглаб, Салимжон Тўрабоевни айбдор деб топди ва қилмишига яраша жазо белгилади.

Яна бир вояга етмаган ҳамюртимиз Ринат М. Эндигина 18 ёшга тўлган бўлишига қарамай, тўртинчи бор суд олдида жавоб беришига тўғри келди. Хеч қаерда ишламай, ўқимай, бирор бир фойдали фаолиятни ўзига эп кўрмай юрган Ринат бу сафар ҳам ўғирлик жиноятини содир этганликда айбланиб, жазога тортилди. У Усмон Носир қўлисида жойлашган дўконлардан бирига ўғирликка тушган пайтида милиция ходимлари томонидан ушланган.

Ринат судда одатдагидай қилмишидан пушаймонлигини изҳор этар экан, бу жиноятга маст ҳолатда қўл уриб қўйганини баҳона қилмоқчи бўлади. Ваҳоланки, мастлик жиноятни енгилаштирувчи эмас, оғирлаштирувчи ҳолат саналишини у жуда яхши билар эди.

Тўғри йўлга қадам қўйишнинг биринчи шarti айбга иқрорликдир дейишди. Лекин вояга етмай туриб рецедивистга айланган Салимжон ва Ринат қабилар учун иқрорлиқнинг ўзи кифоя қилмас керак. Уларнинг тўғри йўлга кириб, яна жамиятимизнинг тўлақонли азосига айланиши учун сизу бизнинг, атрофдагиларнинг эътибори зарур. Зеро, инсон учун у қанчалик тубанлашган бўлмасин, эзгуликка юз буриши, ўз номини поклаб олиши учун имконият топилади.

А. ҲАКИМОВ,
Яккасарой туман прокурори

Доимий эътиборда

Эндигина 18 ёшни қаршилаган Адхам қилаётган ишнинг оқибатини ўйламай жиноятга қўл урди. Узини катта бўлиб қолгандек ҳис этган йигит чўнтаги тўла пул, эмин-эркин яшашни орзу қилиб қолди. Аммо у бунга меҳнат билан эмас, балки кимнингдир ҳаққини ўмариб эришишни хаёл қиларди.

Шу мақсадда ярим тунда ҳамқишлоғи Ойсара аянинг ҳовлисига кириб, қўйхона томонга йўл олди. У ердан 3 бош қўйни етаклаб чиқиб, бозорга йўл солди. Арзон қаровга сотилган қўйларнинг пулини чўнтакка урди. Бироқ, тезда қилмиши ошқор бўлиб, ўзи ҳам, ота-онаси ҳам уятдан изза бўлишди. Қани энди хатосини тузатиб бўлса-ю, «ўғри» деган шармандалига номдан қутилса...

Туман прокуратураси томонидан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган бир қанча тadbирлар амалга оширилмоқда. Мактаб, лицей ва коллежларда таълим олаётган ёшлар ўртасида ўнлаб ҳуқуқ-тартибот тadbирлари амалга оширилди. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу йўналишда 8 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 9 та тақдимнома киритилди. 7 нафар масъул шахс ижтимоий жавобгарликка тортилган бўлса, қўпол қонунбузилиш юзасидан битта жиноят иши қўзғатилди.

Воле РОФИЕВ,
Булунғур туман прокурорининг ёрдамчиси

МИЛЛАТ ОЛИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Ҳар қандай миллатнинг келажаги фарзандлари қандай ўсиб-ўлғайишига боғлиқ. Бу борада зимманимизда улкан масъулият бор.

Бухоро вилоят прокуратурасининг вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими 2005 йилнинг ўтган даврида бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарлиқнинг олдини олиш чора-тadbирларини белгилаб олган. Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раёсатининг ижросини таъминлаш мақсадида жойларда текшириш ўтказилди.

Ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турган 2494 нафар собиқ маҳбуслар, 66 нафар экстремистик оқимга мойил кишилар билан профилактик ишлар ташкил қилинган. Мактабга бормайдиган, ҳуқуқбузарликка мойил ёшларни аниқлаш мақсадида махсус гуруҳлар рейд ўтказилди. Натижада шу тоифадаги 1623 нафар ўсмир аниқланиб, милиция пунктларига олиб келинди. Уларнинг 913 нафари мактаб, 160 нафари лицей ва коллежларда таҳсил олиши, 195 таси ишчи, 241 таси эса бекорчи эканлиги маълум бўлди.

Шунингдек, 609 нафар ўсмир турли хилдаги ҳуқуқбузарлиқни содир этган. Улардан 242 таси профилактик ҳисобга олинган. Мактаб ва бошқа таълим муассасалари ўқитувчиларининг эътиборсизлиги оқибатида 296 нафар ўсмир дарсларга қатнашмаган. Уларни ўқишга қайтариш чоралари қўрилди.

Фарзанд тарбиясига салбий таъсир этувчи 102 нафар ота-она профилактик ҳисобга олинган. Ҳуқуқбузарликка мойил, тузалаш йўлига кирмаган 8 нафар қиз бола Қўқондаги ёпиқ касб-хунар коллежига, 7 нафар ўсмир эса Самарқанддаги махсус ёпиқ мактаб-интернатга топширилди.

Бироқ шунча оғохлантирувга қарамай 2005 йилнинг ўтган даврида ўсмирлар ўртасида жиноят содир этиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайган. Бу биздан ота-оналар, маҳалла-қўй ва мактаблар жамоаси билан ҳамкорлиқни янада кучайтиришни талаб қилади. Зеро, ҳалқимиз «Бирлашган ўзар» деб бежиз айтмайди.

Муҳиддин ВОҲИДОВ,
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Фармонларда ҳаёт нафаси

Узоқни кўзлаб чиқарилган фармон

Кўзланган мақсадга ҳеч қандай ҳаракатсиз эришиб бўлмайди. Бу ҳаёт қонуни. Ўзингиз турган ердан кўзингиз илган олис жойда бирдан пайдо бўлиб қолмайсиз. У эрга йўл босиб етиб борасиз. Бу фикрларни айтишдан мақсад шуки, хабарингиз бор, яқинда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармони эълон қилинди. У оғиздан оғизга ўтиб, оддий халқ орасида «Мана сизга инсонпарварлик, яшаш ҳуқуқи» деган фикрларга сабаб бўлмоқда. Фармонни олдинроқ чиқариш ҳам бўларди дегувчилар ҳам топилади. Аммо, юқорида айтганимиздек, ҳеч бир мақсадга бирданига эришиб бўлмайди.

1991 йилда республикаимиз қонунчилигида 33 турдаги жиноят учун ўлим жазоси бор эди. Бугунги кунда ўлим жазоси фақат айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учунгина сақланиб қолди. 2005 йил 1 августдаги фармонга мувофиқ, мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазоси бекор қилинади ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилади. Шу ўринда фармоннинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва мамлакат конституциясига тўла мослигини эътироф этиш керак.

2005 йил 21 апрелда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси томонидан ўлим жазосини бекор қилиш бўйича резолюция қабул қилинди ва бутун дунё мамлакатларига ўлим жазосини бекор қилиш тавсия этилди.

Ўзбекистондан бошқа қатор давлатларда ҳам ўлим жазосини бекор қилиш ҳаракати давом этмоқда. Бу нафақат инсоннинг яшаш ҳуқуқини кафолатлаш, балки халқроқ ташкилотларга аъзо бўлиб қиришининг бир шарти ҳамдир. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар қонунчиликда ўлим жазосини бекор қилиш, ҳеч бўлмаганда вақтинча тўхтатиб туриш учун ҳар томонлама кураш олиб бормоқда. Бироқ айни вақтда 80 дан ортиқ мамлакатда бу жазо қўлланылган.

Ўлим жазосига ҳукм қилиш бўйича Хитой дунёда олдинчи ўринларда туради. Хитой полициячилари фақуллода ҳолатларда оғохлангирмасдан жиноятчига ўқ отиши мумкин. Оғир турдаги жиноятлар, қуроли ҳуқуқлар кўпайиб бораётганлиги, ҳар йили 300 дан ортиқ полициячининг қурбон бўлаётганлиги шундай кескин чора қўлланишига олиб келаяпти. Наркотик моддаларни ноқонуний муомалага киритиш, порнографик филмларни тарқатиш ёки ишлаб чиқариш, турмуш ўртоғига хиёнат қилиш каби жиноят содир этилса ўлим жазоси қўлланади.

Ушбу мамлакатда жамоат тартибини сақлаш учун ҳам айрим ҳаракатлар учун ўлим жазоси белгиланган. Мисол учун, стадионга ўзбошимчилик билан ўйин пайтида тушган, маст ҳолда автомобил ҳайдаган, босқинчилик йўли билан ўғирлик қилган, фоҳишалик билан шугулланган шахслар оғохлангирмасдан отиб ташланади.

Инсон тақдирини ҳал қилишда хатога йўл қўйиб бўлмайди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотларнинг ўлим жазосини бекор қилишни талаб этишларига сабаб — кишини адашиш ёки хато туфайли ноҳақ ўлимга ҳукм қилишнинг олдини олишдир. Бугунги кунда ўлим жазоси Япония, Бангладеш, Ҳиндистон, Индонезия, Ангولا, Зимбабве, Нигерия сингари давлатларда сақланиб қолган. 2002 йил август ойига қадар Туркияда ҳам бир қатор жиноятлар учун ўлим жазоси тайинланар эди. Энди эса фақат террорчилик ва ҳарбий жиноят содир этган шахсларга нисбатангина қўлланылмоқда. Австралия, Германия, Дания, Швеция каби 27 та мамлакатда ўлим жазоси умуман қўлланилмайди.

Ўлим жазосини ижро этиш усуллари турли мамлакатларда турличадир. Мисол учун, Хитойда отадилар, собиқ СССРда ҳам шундай усулда қатл қилишган. Афшда венага уйқу дори юзидан, ундан сўнг заҳарлайдилар. Шунингдек, электр стулда, газ камерасида ва ошиш йўли билан ҳам қатл этилади. Умуман, бу мамлакатда 34 турдаги жиноят учун ўлим жазоси қўлланади.

Юқоридаги фактлардан кўриниб турибдики, «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармон мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини либерallashtiriш, ҳуқуқий-демократик, фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Жамоатчилик фикридан ҳам ҳулоса қиладиган бўлсак, халқимиз ушбу фармонни илқ қарши олди. Буларнинг барчаси муастақиллигимиз меvasидир.

Музаффар АБДУЛЛАЕВ,
Наманган шаҳридаги 20-ўрта
мактабнинг ҳормий
тилар услубий бирлашмаси
бошлиғи

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этар эканмиз, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини ҳам инкор эта олмаймиз. Бу муаммолар, биринчи, судларнинг ҳақиқий муастақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқдир. Суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролинини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён.

Ислом КАРИМОВ



Яқинда Ўзбекистон Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Ҳўш, бу фармон давлат ва жамият ҳаётида қандай аҳамият касб этади? Конституцияимизнинг қатор моддаларида фуқароларнинг конституция ва қонуларда муастақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги муастақамлаб қўйилган. Ушбу фармоннинг юридик асоси ана шу қондалар бўлиб, суд ислохоти жараёнида уларни амалга ошириш назарда тутилган.

«Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга, — дейилади конституцияда. — Ҳеч ким қонуна асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас» (25-модда). Ана шуларни таъминлашни мақсад қилиб қўйган ушбу фармонни эса ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқининг қафолати деб баҳолаши мумкин.

ШАХС ДАХЛСИЗЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Фармон билан жорий этилаётган тартиб суд терговигача бўлган даврда фуқароларнинг шахсий дахлсизлигини таъминлаш, терговдан илгари прокуратура санкцияси билан танланадиган эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиб туриш жараёнининг қонунийлигини таъминлашнинг судлар ваколатига ўтказишдан иборат. Албатта у худди фармонда белгиланганидек, кўпгина тадбирларни, жумладан: а) тегишли қонун ва кодексларга тузатишлар киритиш; б) суд қарорини билан ушбу эҳтиёт чорасини тайинлаш тартибининг механизминини ишлаб чиқиш; в) суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кадрларининг бир борадаги малакасини ошириш; г) қонунлар ва қонуности ҳужжатлари, шунингдек, идоравий ҳужжатларда назарда тутилган норма ва нормативларнинг бир хиллигини таъминлашни тақозо этадики, шунинг учун ҳам уни шошма-шошарликсиз, 2008 йилнинг 1 январидан жорий этиш белгиланган.

Инсоннинг буюк ҳуқуқларидан бири шахсий дахлсизлик ҳуқуқидир. Узоққа бормасдан яқин тарихимиздаги «пахта иши»га бир назар ташлайлик. Жуда кўп ватандошларимиз турли гумонлар билан дастлабки терговдаёқ қамоққа олинди ва ҳатто эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиб туриш муддати ўтиб кетган бўлса-да, озод этилмади. Аммо суд тергов вақтида кўпларининг гуноҳсизлиги исботланди. Баъзилар бир-икки, ҳатто тўрт-олти йил қамоқда сақланган, айбсизлиги исботланиб, суд залида қамоқдан озод этилди. Энди ой-у йиллар эмас, бир кунлик, бир соатлик тутқунлик даҳшатларини кўз олдингизга келтиринг. Давлатнинг вазифаси инсоннинг буюк ҳуқуқини маъмурий идораларнинг ҳатоси ёки ўзбошимчиликдан ҳимоя қилиш, ҳеч ким ноқонуний қамоқда сақланишига йўл қўймайлиқдир. Ушбу фармон шу йўлдаги муҳим қадам бўлди. Албатта, унинг самарадорлиги, фактизмизча, бир қанча ҳолатларга боғлиқ. Масалан, қамоққа олиб туриш эҳтиёт чорасига суд

санкция бераётган вақтда фақат қоғозлар (отписки) ҳаракатда бўладими ёки гумондор судга чақирилиб (ёки етказилиб) бу масала тезда ҳал этилиб қарор чиқариладими? Ана шу жараёнда суд эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга мўқобил бошқа чоралар (гаров эвазига озодликка чиқариш, қафилликка бериш) ни ҳам қўллаши мумкинми?

Айнан шунга ўхшаш нараса англосаксон ҳуқуқ тизими амалда бўлган мамлакатларнинг суд-тергов фаолиятида деярли 500 йилдан бери мавжуд. Уни аниқ бир ҳуқуқий институт сифатида шакллантирган қонун 1679 йилнинг 26 майида қабул қилинган «Гражданларнинг озодликларини яхши таъминлаш ва денгиз ортига қамоққа ташлашнинг олдини олиш ҳақидаги акт» (қисқача «Ҳабес Корпус эмедмент Ак») деб аталиб, шахс дахлсизлигининг конституциявий қафолатлари тўғрисидаги ҳужжатга айланди ва унга 326 йилдан бери жуда кам ўзгариш киритилган. Қонуннинг мақсади фуқароларни қирол ҳокимиятининг зўрлиги ва маъмурий идораларнинг ўзбошимчилигидан асраб, ноқонуний қамоққа олинишига йўл қўймайлиқдан иборат.

Бунга биноан ҳар бир киши ўзини ноқонуний қамоққа олинган деб ҳисобласа, дарҳол судга ўзи ёки бир киши орқали мурожаат этиб, айбдорни судга олиб келиш ҳақидаги суд талаби («Heabes Corpus») берилишига эришиши шарт, буйруқни олган қамоқхона бошлиғи ёки шериф эса дарҳол маҳбусни судга олиб бориши лозим. Акс ҳолда ундан биринчи марта бурчини бажармаганлиги учун маҳбуснинг фойдасига 100 фунт-стерлинг, иккинчи марта 200 фунт-стерлинг ундирилади ва мансабидан четлатилиши мумкин. Маҳбус судга олиб келинган (уч кун ичида) суд уни қамоққа олиш ҳолатларини ўрганиб чиқиб асоссиз деб топса, иш қўрилгунча қадар маҳбусни дарҳол қамоқдан озод қилиш ҳақида буйруқ берган.

Маҳбусга «Heabes Corpus» буйруғини беришдан бош торган судьялар учун ҳам жазо назарда тутилган, улардан жабрланувчи фойдасига 500 фунт-стерлинг ундирилган. Бу нараса мамлакатда фуқаролар ва давлат хизматчилари томонидан ўзгалар ҳуқуқи ва шахсига ҳурматнинг муастақамланишига олиб келган. Шунинг учун рус тадқиқотчиси К.Тимирязов: «Инглизлар Оксфорд ва Кембридж билан ҳақли равишда фахрланишлари мумкин. Лекин улар янада фахрланишлари мумкин бўлган «Ҳабес корпус» процедураси ҳам бор», — деган экан (В.Графский. «Всеобщая история права и государства». М. 2001. 405-стр.).

Юқоридаги фармон асосида ишлаб чиқиладиган ҳужжатларда эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция берган судьянинг масъулиятини ошириш лозим. Чунки асослари етарли бўлмасдан, чўқур мулоҳаза қилмасдан гумондорни қамоққа олишга санкция берган судья эртага ўз ҳатосини ёпиш учун ишни судда қўриш жараёнида суд тергов ва муҳомадасини бир томонлама олиб бормаслигига ҳеч ким қафолат беролмайди.

Зиёдулла МУКИМОВ,
юридик фанлар доктори

Эзгулик ва инсонпарварлик

Халқ қонунини ўз таянчи деб тушуниши учун қабул қилинаётган қонунлар адолатли ва халқчил бўлмоғи лозим.

«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Президент фармони яшаш ҳуқуқини эътироф этувчи ва муастақамлови халқроқ ҳуқуқ тамойиллари ва нормаларига, шунингдек, Ўзбекистон Конституцияси қондаларига мослиги билан ахрალიб туради.

Жамиятимизда эзгулик ва инсонпарварликни янада муастақамлашга қаратилган мазкур фармон жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятга мойил шахсларни тўғри йўлга солишда асосий омил бўлиши шубҳасиз.

Шу сабабли туманимизда жойлашган меҳнат жамоалари, ўқув ва тарбия муассасалари, маҳаллаларда фармон моҳияти ва ундан кўзланган мақсад ҳусусида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Маматқул ФОЗИЛОВ,
Нарпай туман прокурори

SUD OCHERKI

Хакалак отган нафс худди бедаво дардаг ўхшайди. Пул васвасаси, мол-дунё йиғиш кутқуси инсонни сўқирга, қулга айлантиради, жиноят кўчасига етаклайди. Жиноят ўз номи билан жиноят, унга жазо муқаррар. Ғузур туманидаги «Шакарбулоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси, маҳалла оқсоқоли Шокир Бозоров ва унинг атрофига уюшган бир гуруҳ мансабдорлар фуқароларга нафақа ва ёрдам пули тайинлашда бир неча бор қонунбузарликларга йўл қўйишган. Ўтказилган текшириш натижалари ва одил суднинг ҳақли хулосаси юқоридаги мулоҳазаларимизни яна бир бор тасдиқлайди.

Хаммасига Ғузур туман халқ таълими бўлимига қарашли 36-мактабнинг директори Раъно Муқимова ва кейинчалик шу лавозимда ишлаган Неъматулла Кўчаровларнинг расмий ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан фуқаро Муҳайё Муқимовани шу мактабга ишга қабул қилишлари сабаб бўлди.

Муҳайё Муқимова аслида директор Раъно Муқимованинг туғишган синглиси, даври келганда бир қўллаб юборса ҳақи кетмайди. Қолаверса, у ёқда маҳалла оқсоқоли бор, ёрдамни аямайди. Раис соғомон ишлаб турса, соясининг ўзи хавф-хатардан асрайди. 2001 йилнинг мартада амал курсисини эгаллаган янги директор ўзининг бор «истеъдоди»ни намойиш қилишга киришди. Халқ таълими бўлимида ишлайдиган Дилбар Исмоилова (ҳозир марҳум) ва Неъматулла Кўчаровлар билан гапи бир ердан чиқди. Уша йилнинг 2 октябрга келиб ҳеч қарерда ишламайдиган М.Муқимова ариза билан мувоҳаат қилмаган бўлса-да, 12-буйруқ билан ишга қабул қилинди. Орадан бир ой ўтгач, яъни 2001 йил 2 ноябрда вазифасидан озод қилинганлиги 13-буйруқда ўз аксини топди. Ишдан бўшатиш билан фуқаро 2002 йилнинг мартага келиб ҳақ тўланадиган турмуш таътилига чиқади. Бу ҳақда 18-буйруқ чиқарилиб, 2002 йилнинг 8 февралига қадар «ўз кучини йўқотмади». Бу орада мактабга янги директор тайинланди.

Раҳбарлар алмашгани билан уларнинг максоди битталиғича қолди. Салкам икки йил мобайнида М.Муқимова ўзи беҳабар ҳолда ведомостларга имзо чекиб, икки ёшгача бўлган бола парвариши учун 210.950 сўм нафақа олди. Сохта ҳужжатлардаги имзолар униқига бирда ўхшаса, бирда ўхшамайди.

Одатдаги қўлларнинг бирида ораларидан қора мушук ўтдиме ёки бировларнинг сўқи кирдиме, ҳарқалай ҳамкорликча пугур етди. Сир ошкор бўлиб, калаванинг учи «Шакарбулоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинига тақалди.

Энди гапни «Шакарбулоқ»дан эшитинг. Фуқаролар йиғинининг раиси Шокир Бозоров 2001 йилнинг май ойидан буён шу лавозимда, қишлоқ одамларининг қувонч ва ташвишларига шерк. Шу ўринда айрим мулоҳазаларни ўртага ташламоқчимиз. Келажакни ўйлайдиган, юрт осойишталиги ҳақида

қайғуриб, фарзандлари истикболига бефарқ бўлмаган инсон, албатта ўтаётган умр лаҳзаларини тез-тез таҳлил қилади. Йўл қўйган хатоларидан виждони қийналади, тегишли хулоса

чиқаради. Акс ҳолда охири ўзи қийналиб қолиши мумкин.

2000 йилда Ғузур туман суди томонидан Жиноят кодексининг 207-моддаси 1-қисми билан судланиб, судланганлиги 2003 йил 25 сентябрда олиб ташланган Шокир Бозоров аввалги нўқсонларидан хулоса чиқармаган экан. Амал курсисига ўтирган дастлабки қўнларданок у гаразли максادلари кўзлади. Фуқаролар йиғини котиби Шавкат Турсоатов ва ҳеч қарерда ишламайдиган Ҳайитгул Хидироваларни мақсадига шерик қилгунига қадар бир неча ой керак бўлди. Охири тил топишди.

Ҳайитгул Хидирова унинг муддаосини кўз қарашидан англаб олади. Уғли Сирожиiddин Эшдавлатов анчадан буён «Ўқтамбанк»да ишлайди. Қолаверса, мазкур банкнинг аҳоли омонатлари билан ишлаш бўлими катта назоратчиси. Битта-ярим пул билан боғлиқ ишларда ёрдами тегиб қолар.

Режа қўтилганидан ҳам силлиқроқ кўчди. Ҳ.Хидирова келини Дилфуза Норқобилованинг номидан фарзанди Жавахир Раҳматуллаев икки ёшга тўлгунга қадар нафақа тўлашни сўраб ариза ёзди. Келинининг имзосини ҳам ўзи қилиди. Барча маълумотлар фуқаролар йиғинининг котиби Шавкат Турсоатовга тақдим қилинди. Ушанда 2002 йилнинг 7 феввали эди. Сохта ҳужжатлар асосида тайинланган 128.750 сўм нафақа зиён қилармиди...

Кези келганда эътиборингизни иккита маълумотномага қаратмоқчимиз. Биринчиси: «19-маълумотнома. Эшдавлатов Сирожиiddин Раҳматуллаевич «Руслан Шокир ўғли» деҳқон-фермер хўжалигида ишлайди. 2002-2003 йиллар давомида 19.900 сўм иш ҳақи олган. 2004 йил 4 апрел» (2003 йил август ойида вафот этган Эргашева Зилола номига расмийлаштирил-

ган ҳужжатдан. 3.Эргашева Ҳайитгул Хидированинг опаси Раъно Хидированинг қизи).

Иккинчиси: «202-маълумотнома. Эшдавлатов Сирожиiddин Раҳматуллаевич «Дунё-дур» ишлаб чиқариш фирмасида ишлайди. 2003 йил июлдан 2004 йил 1 июлгача 103.200 сўм иш ҳақи олган». («Шакарбулоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ш.Бозоровга Дилфуза Норқобилова номидан фарзанди Раҳматуллаева Зоҳида учун икки ёшга тўлгунга қадар нафақа тайинлашни сўраб ёзилган аризадан).

Дарвоқе, яна бир маълумотнома хусусида. 2003 йилнинг 5 декабрида Д.Норқобилованинг 2 нафар фарзанди 18 ёшга тўлгунга қадар нафақа тўлашни сўраб ёзган аризасида унинг турмуш ўртоғи Сирожиiddин Эшдавлатовнинг ҳеч қарерда ишламаслиги билдирилган.

Юқоридаги маълумотномаларни кўздан кеңиб, ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. 2000 йилдан «Ўқтамбанк»нинг аҳоли омонатлари билан ишлаш бўлими катта назоратчиси Сирожиiddин Эшдавлатов турли ҳужжатларга учун тайёр қилган нафақа сўраб ёзган аризаларини, кўпни кўрган, тажрибали раиснинг қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли худудда яшовчи фуқароларнинг яшаш шароитини ақидан «билмаслиги». Ш.Бозоровнинг ушбу жиноят ишига оид терговда билдирган тушунтириш хатида кўрсатган вахлари, айрим эътирозларни айтишга ундайди.

Шокир Бозоров айбига қисман иқдор бўлиб, ҳамма ҳужжатларни Шавкат Турсоатов тайёрлаганини, Ш.Турсоатов эса ҳужжатларга раис имзо ва муҳр қўйиб, комиссия аъзоларига қиритганини кўрсатадилар. Бундан ташқари Ш.Турсоатов худди раис сингари С.Эшдавлатовнинг банкда ишлашини билмаслигини, онаси Ҳайитгул Хидирова муҳр ва штампли ҳужжат олиб келиб, тўлдириб

беишини раис айтганини, сўнг ўзи ёзиб, комиссия аъзоларига билдирмай имзо қўйдирганини, қилмишидан пушаймонлигини билдиради. Эвазига Ҳ.Хидировадан олинган битта кўзини раис уйига олиб кетганини, орадан бир ҳафта ўтгач кўзи ўлиб қолганини кўрсатади. Тўғри, хатони тан олиш яхши одат, аммо эл ва юрт тақдири учун жавобгарлик ҳисси унутилса, буни қандай хаспўлаш мумкин (марҳум номига расмийлаштирилган маълумотномани назарда тутаялмиз).

Шакарбулоқлик икки мансабдорнинг Д.Норқобилова номига тайёрланган ҳужжатлардаги камчиликлар хусусидаги важи эҳтимол тўғридир. Аммо фуқаролар йиғинида содир этилган бошқа суиистеъмолчиликлар тўғрисида келтирилган далиллар ҳам уларнинг ноқонуний ҳаракатларини тасдиқлайди.

Юқорида келтирилган далиллар билан фуқаролар йиғини раиси ва ҳамтовоклари содир этган қонунбузарликлар тўғрисидаги эътирозимизга ҳали нукта қўя олмаимиз. Негаки, раиснинг соясида юрган устамонларнинг сафи кенг. Тумандаги 36-мактабда Р.Муқимовадан кейин директор бўлиб ишлаган Неъматулла Кўчаров ҳам собиқ раҳбарнинг қинғир ишларини ҳеч иккиланмай давом эттирди — «қоровул» М.Муқимованинг имзосини қалбакилаштиришни «ўрнига қўйди». Шунингдек, мактаб ўқитувчиси Б.Ниёзовнинг, тумандаги Акмал Икромов номи мактабнинг ўқитувчиси Ш.Жоникуловага турмуш ўртоғи Б.Бозоровнинг ойлик иш ҳақини қалбакилаштириб маълумотнома ёзиб берди. Ваҳоланки, Б.Ниёзов 2002 йилнинг декабридан 2003 йилнинг декабригача 468.189 сўм иш ҳақи олган. Оиласининг ўртача ойлик даромади 60.232 сўмни ташкил этган. 2003 йилнинг 13 декабрида унга директор Н.Кўчаров имзоси

билан берилган 645-маълумотномада йиллик иш ҳақи 238.156 сўм деб кўрсатилди. Ушбу маълумотнома турмуш ўртоғи Олтин Қурбонова вояга етмаган фарзандлари учун нафақа тайинлашни сўраб «Шакарбулоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинига тақдим қилган ҳужжатлар қаторига тиркалди.

36-мактабнинг муҳри босилган сохта ҳужжатлар раис ва масъул котибда сира шубҳа уйғотмаган бўлса керак. Шу мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Нуриддин Мавлоновнинг ҳам ҳамкасбларига ҳаваси келди шекилли, у ҳам 2003 йилнинг 1 июнидан 2004 йил июнига қадар олган 694.862 сўм иш ҳақини 130.000 сўмга айлантирди. 300-маълумотномага терговда аниқлашнинг имкони бўлмаган йўллар билан халқ таълими бўлимининг муҳрини қўйиб, турмуш ўртоғи Ш.Каримованинг номидан вояга етмаган фарзандлари учун нафақа тайинлашни сўраб раис — Ш.Бозоровга ариза ёзди. Ариза, албатта, сўзсиз қабул қилинди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Ушбу жиноят иши юзасидан олиб борилган текшириш жараёнида аниқланган далиллар воқеликнинг асил қиёфасини очиб беради. Ғузур туман молия бўлими назоратчиси Улаш Бозоров, архившўнос Бахриддин Холбоев, фуқаролар йиғини нафақа тайинлаш комиссияси аъзолари Меҳри Иброҳимова, Холмаҳмат Сафаров, Парда Жовлиевларнинг кўрсатмалари «Шакарбулоқ»да фуқароларга нафақа тайинлашда кам таъминланган оилалар бир ёқда қолиб, қинғир йўллар билан «ҳужжат» тўғриллаган шахсларга нафақа тўланаб, давлат маблағи талон-тарожи қилинганини тасдиқлайди.

Маъриди келганда айтмоқчимизки, мазкур жиноят юзасидан суд ўз ҳукмини чиқарди. Шикоятга ўрин йўқ. Айтилган мулоҳаза ва хулосалардан мақсад ихтимойи адолат, қонунийликни таъминлаш ҳуқуқий демократик жамият тараққиётининг энг устувор йўналишларидан бири эканлигини, бу жараёнда ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни бекиёб эканлигини эътироф этиш эди. Фақат Ш.Бозоров ва ҳамтовокларига ўхшаш кимсалар бундан жинойи мақсад йўлида фойдаланишга уринишади холос.

Тошўлат ЭЛМОНОВ,
Қашқадарё вилоят
прокуратурасининг бўлим
прокурори





Барча иллатдорнинг дояси

...Ичкилик шундай қароқчики, у инсоннинг энг бебаҳо бойлиги — ор-номусини ўғирлайди. Оиладан, ёр-биродарлардан, ота-онадан беғона қилади.

Май ичишга ружу қўйиб, ундан елкаси ерга тегмаган паҳлавонни билмайман. Маст-аласт бўлиб, қўпол муомалага билан одамларнинг, дўстларининг дилини оғритиб қўйсанг, ўз қилмишинга бир умр пушаймон бўласан.

Инсон халқнинг хурматида тоққа қўтарилаётган киши каби гоят машаққат билан эришади, аммо битта ножўя қилмиши уни беобрў қилади.

«Саодатнома» дан

Каиф қилдирувчи ичкилик пайдо бўлибдики, инсониятни ба-лаларга гирифтор этиб келди. Нега инсоният ичкилик бозлиқдан қайтмайди? Бунинг қандай сир бор?

— Аям мени борчадан энди олиб келувди, — деди беш ёшли гувоҳ Асадбек Шарифжонов судда йиғлаб. — Синглим Муслима бешикда ухлаб ётган эди. Кейин аям бизга овқат қилди. Кўчадан машина овози келди. Дадам кечкурун келарди. Кўп маст бўлади. Аям: «Дадам келди шекилли», — деб кўчага чиқиб кетди. Кейин дадам: «Асади!», — деб бақирди мени қақирди. У маст бўлиб

нада маст ҳолда келиб қолди. Кутиб олишга чиқкан эдим. Киракашга йўл ҳақини бермаган экан, менга: «Кира ҳақини берсин», — деди. «Эртага оласан», — деди эрим. Киракаш: «Ўтган сафар ҳам бермовдин-гиз», — деди. Мен эримга: «Пулингиз бўлса бериб юборинг», — дедим. Эрим чўнтагидан пул қарқарди, 600 сўм экан. Киракашга бераётиб сўкинди. «Қўйинг, сўкманг», — деган эдим, мени ура кетди. Чап кўзимга, бошимга мушт туширди. Зўрга қочиб қўшнимникига яшириндим. Болаларимдан ҳавотир олдим. Чўки эрим маст бўлганида болаларни ҳам танитай, ураверарди. Қайсинглимга ёрдам сўраб телефон қилдим. У қизи билан келиб уйимизга кириб кетишди. Орадан бир минут ўтиб-ўтмай қайсинглимининг: «Войдод, болангни ўлдириб қўйибсан-ку!», — деган овозини эшитдим. Ўчиб кирсам, оғзи-бурни қонга бўялган қизалоғимни аёлга ўрашаётган экан... Ўзим кўрқувдан дағ-дағ қалтираб, йиғлаётган эди. Ўз боласининг бошига етган одам билан қандай яшайман энди. Ер ютсин бундай эрни!

Қотил ота — Қахрамон Комилов 1974 йил 9 декабрда Қўқон шаҳрида туғилган. Олий маълумотли. Ичиб бировга зиёни етмаса қоши эди. Кучи хотини ва болаларига етди...

Шу йил 27 май кuni бўлиб ўтган жиноят ишлари

Ичкилик кишилар бошига не-не кулфатларни ёғдирмаган, не-не эр йигитларнинг бошини ҳам қилмаган дейсиз. Мастликда қилиб қўйган ишдан сўнг шайтон йўлдан урди дейди қўлчилик. Аслида шароб ичиб ичидоғи шайтоннинг оловиға мой сепади-ган инсоннинг ўзи эмасми?

Шайтон ВасВасаси

Зафар ичкиликка ружу қўйди-ю, бор обрўсидан айрилди. Энди ундан ҳамма нафратланар, ҳатто болалар ҳам «алкаш, алкаш» дея ортидан масҳара қиларди.

— Дада, энди ичманг, — деди катта ўғил бир кун чидолмай. Бу гап Зафарга оғир ботди. Келиб-келиб ўғлидан дашном эшитса-я?!

— Нима-нима? Ҳали сен жўжаҳўро менга ақл ўргатайсанми? — деди пишқириб.

— Ақл ўргатаётганим йўқ. Бизни шарманда қилманг деяпман. Ўғлининг кескин гапидан қони қайнаб кетди. Ваҳоҳат билан унга ташланиб, бошига мушт туширди. Қўлини қайриб, орқасига тепди. Ўғил бир бало қилиб отасининг қўлидан қутулгач, дарвоза томон қочди. Қаттиқ сўкинди.

— Ҳали кўрасиз, — деди муштини дўлайтириб, — сизни ўлдираман. Шу пайт дарвозадан хотинининг боши кўринди.

— Каерда юрибсан, дайди кучук? — Зафар энди қаҳрини хотинига қаратди.

Хотин у деди, эр бу. Хуллас, айтишув бошланди.

— Пул бер! — ўшқирди Зафар.

— Каердан оламан?

— Топасан. Билмайман.

— Ўйнашим бўлса экан, муқом қилиб пул оберсам.

Бу гапдан Зафар баттар кутурди.

— Ҳали ўйнаш қилмоқчимсан? Ҳозир сени сўяман...

Уша кун хотини бариб Зафарга пул топиб берди. Шундай қилмаса бўлмасди ҳам. Ўқиш бошлангунча болаларига уст-бош олиб бераман деганди. Афсус, бўлмади. Тишининг ковағида асраб юрган сўнгги пулини қарғай-қарғай эрига берди у.

— Бизнинг хотинининг ўзи ароққа пул беради, — керилди Зафар шиша-дошлари даврасида.

— Зўр-ку, — дейишди улар. — Кел, сенинг ана шу зўр хотининг учун ичамиз...

Пилалар жиринглади. Бўшатилган шишалар бирин-кетин майсалар устига думалайверди. Охири кетма-кет ичилган ароқ кучини кўрсатди. Зафар илонизи юриб уйига қайтаркан, ҳамма нарсаси кўзига тўрттадан кўринарди. Ҳовлига яқинлашиб, дарвозани итарди. Хайрият, очик экан. Ичкарига кириб, олма тағидаги чорпога томон юрди. Энди бир амаллаб жойини топиб олса бас. Таппа ташлайди-ю, мазза қилиб ухлайди. Шу хаёл билан оёқ кийимини зўрга ечиб, чорпога зинасига қадам қўйди. Аммо шу заҳоти яшин ургандек салпиб кетди. Не кўз билан қўрсинки, хотинининг ёнида беғона эркакнинг боши қорайиб кўринар, хотини ҳам унга бошини тираганча пишллаб ухларди. Зафарнинг вужуди зириллаб кетди. Кўз олди қоронғилашиб, зинага ўтириб қолди. Қайфи ҳам қаёққадир учиб кетгандек эди. Миясида хотинининг «ўйнашим бўлса экан...» деган сўзлари муттасил айланаверди. «Икковини ҳам майдалайман», — деди ғазаб билан тишини гижирлатиб ва шу ваҳоҳат билан оморборона томон юрди. Қоронғи бўлса ҳам у ердаги болтани осонгина топди. «Ававал хотинини чавақлайман», — хаёлидан ўтказди у. Сўнг чорпога олдиға келди. Хотини дунёдаги энг хиёнаткор аёл бўлиб кўринди. Писмайбўғина юриб, шу ишни қилса-я? Ғазаб жўш урди. «Мана сенга!», у ваҳоҳат билан хотинининг қоқ пешонасига болта урди. Юзига тизиллаб қон сачради. Кейин нима қилаётганини идрок қилолмай, кетма-кет болта ураверди, ураверди...

Тонгда ҳовлида эшитилган йиғи овозидан уйғониб кетди. Караса, сомонхонада ётибди. Турай деса боши гир-гир айланади. Кечаги воқеаларини эслашга ҳаракат қилди. Аммо эслай олмади. Амаллаб ташқарига чиқди, ҳовлида тумонат одам. Негадир чорпога атрофини ўраб олишган. Болалари эса изиллаб йиғлашарди. Бирдан кечаги воқеаларни элас-элас эслади. Ҳуши бошидан унганча кўрса-писса чорпогага яқинлашди. Қаради-ю, даҳшатдан эси оғиб қолаёзди. Хотинининг қонга беланган танаси ёнида ўн ёшли ўғлининг нимталанган жасади ётарди. Зафар мувозанатини йўқотди. Тағидан қирқилган теракдек ёнбошига ағдариларкан, кўз ўнгидан болалари, ҳовли ва одамлар чирпирак бўлиб айлана бошлади.

Гулрух ЁРМАТОВА

Бешикдаги боланинг гуноҳи нима?

келса аямни, бизни сўкиб, урарди. Кароват тағига яшириниб олдим. Дадам роса бақирди. Бешикдаги синглим кўрққанидан уйғониб кетиб йиғлади. Дадам бешикдаги укамни этиги билан тепди. Кейин ечиб олиб, бир қўлида кўтарди. Синглим йиғламай қолган эди. Печка олдиға солинган тўшак устига бетини пастга қаратиб ётқизди. Кейин орқасига яна тепди, тиззасини қўйиб босди. Синглимининг қўларини орқасига қайириб, битта қўлида кўтариб силкипти, бармоқларидан тортиди. Тўшакка ташлаганида аммам билан қизи келиб қолди. Аммам дадамга: «Нимага Муслимани ўлдириб қўйдинг?», — деб бақирди. Қизи синглимини кўтариб чиқиб кетди. Дадам сандиқнинг ёнига йиқилиб тушди...

Дадам ичиб келса, доим бизларни уради. Бир марта менинг бошимга дазмол билан урган, докторга олиб боришган. Аямга ароқ ич деб уришди. Бир марта аямнинг бошига стулча билан урган...

Бола ёлгон гапирмайди. Энди эрининг ичкилик оқибатида содир этган муҳдиш жинояти туфайли 2004 йил 5 июлда туғилган қизчаси Муслимадан ажралиб қолган жабранувчи Дилрабо Комиловани суддаги гувоҳлиги билан танишинг:

— 2005 йил 11 феврал кuni, соат тахминан 19 лар чамаси эди. Эрим Қахрамон Комилов киракаш маши-

бўйича Фаргона вилоят судининг мажлисида бадқирдор ота қилмишидан пушаймон эканлигини билдирди. Олдинроқ эса... қизчасининг ўлимининг хотинига ағдармоқчи ҳам бўлди, «болани хотиним» ерга ташлаб юборган» деган тўхматни айтишдан ҳам тоймади. Лекин гувоҳлар ва далилий ашёлар олдида тўхмати чиппака чиқди. Қилмиш-қидирмиш деганлари шу бўлса керак, унга суд ҳукми билан 16 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Бу жазо маҳкумга оғир ботди чоғи, боши эгилган қўйи йиғлади. Лекин бу томонда отасининг қотиллиги юзасидан гувоҳлик берган Асадбек ҳам йиғлади. Асло отасининг ҳолига эмас, синглисини эслаб, «куямни яхши кўрардим» деб йиғлади...

Ўз отаси ўлдириб қўймаганида, балки Муслима келажакда оқила аёл бўлиб етишармиди? Энди у йўқ, гунаҳдек бўлиб қаро ер остида ётибди. Лекин шу нарсананки, унинг мурғаккина жисмидан учиб чиққан руҳи қотил отасини умрбод «дадажон, нега мени ўлдириб қўйдингиз?» дея таъбиқ қилади.

Абдуқуназр АБДУРАХИМОВ,
Фаргона вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи.
Холиқназар ЖУРАБОВЕВ,
журналист

Саяёқ, юрганнинг ҳоли

Инсон умри зағуликлар билан музайян бўлсагина, у яшашнинг ҳақиқий завқини туйди. Зағуликдан бирок саяёқ эса саробнинг ўзинаси. Александр Наумов панжара ортидан туриб ўтган умрига назар ташларкан, бу ҳақиқатни ич-ичидан тани оларди. Бирок энди кеч, фурсат ўтиб бўлган. Кани энди ҳаёт қархалагини орқага қайтариб бўлса...

ётган Бозоргулни қўриб гижинди.

— У бизникида нима қилаяпти?

— деб хотинига ўшқирди.

— Ҳа, нима бўпти? Ухлаяпти, секинроқ гапир.

— Ўйотгин-да, уйига жўнат.

Венера харқанча уринмасин, дугонасини уйғота олмади. Охири қўл силтади. Эрининг қистови билан қўшидан икки шиша ароқ олиб чиққан, икковлашиб ярим тунгача «май-

ароқнинг таъсирими, Александрни мудроқ боса бошлади. Аммо диван бад, Венера дугонасининг олдиға, Александр эса ноилоҳ айвонга жойлашди. Анчагача ухлай олмагач, Бозоргулни уйғотишга уринди. Аёл қимир этмасди. Жаҳл отига минган Александр телефон симини топиб келиб, Бозоргулни томоғига ўради. Аёл хириллаб, типирчилла-ти-пиричлай жимиб қолди. Шовқиндан

уйғониб, чироқни ёққан Венеранинг кўзи қўлида сим билан турган эрига тушди.

— Нима гап, тинчликми?

— Тинчлик, ниҳоят шу маълун дугонангдан қутулдим.

Александр ўз ишдан мамнун ҳолда жойига бориб ётди. Ваҳимага тушган Венера шошганча «03-га» қўнғирди қилди. Дугонасининг умрига шу тариқа нукта қўйилганига ҳеч ишонгиси келмасди.

Бозоргулниинг совган танасини қўриб, гап нимадалигини анг-лаган шифокорлар милицияга хабар беришди.

Эртаси кун бу воқеа тўрисидаги хабар Зафаробод шаҳарчаси бўйлаб тарқалди. Кимдир ёқа ушласа, кимдир саяёқ юрганнинг ҳоли шу-да дегандек елка қисиб қўя қолди. Уларнинг гапида жон бор, шундай эмасми?

Раҳмон ФАЙЗИЕВ,
Бухоро вилоят прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси



Фирибгарликда айбланади

«Россиянинг собиқ атом энергетикаси вазири Евгений Адамовга нисбатан солиқ тўлашдан бўйин товлаш айблови тасдиғини топмади», — деб хабар беради айтин дамба ушбу ишни кўриб чиқадиган Швейцария ҳуқуқ-тартибот органлари вакили. Унинг таъкидлашича, Адамов АҚШ суди ихтиёрига топширилади. Америкада Адамовга фирибгарлик ва маблағларни ноқонуний айлантириш айблови билан жиноят иши кўзгатилиши мумкин. Бироқ, АҚШ қонунчилигига кўра, бундай турдаги жиноят учун солиқ тўлашдан бўйин товлашга нисбатан енгилроқ жазо берилади.



Сайёҳлар, эҳтиёт бўлинг!

Австралия ҳукумати фуқароларини Индонезияга умуман бормасликка чақирди. Бунга сабаб сўнгги пайтларда Индонезиянинг турли оролларида, айниқса Балида содир этилган қатор террорчилик ҳаракатларидир. Маълумотларга кўра, Бали оролида содир этилган портлашлар оқибатида курортларда дам олаётган австралиялик икки фуқаро қурбон бўлган, ўн еттитаки оғир жароҳат олган, иккитаси эса бедарак йўқолган.

Бўлажак рақиб



Беларусда бўлажак президентлик сайловига тайёргарлик авжига. Маълумотларга қараганда, Беларус демократик кучлари конгресси президентлик сайловида иштирок этиш учун муҳолифатнинг ягона номзодини кўрсатишди. Конгресс сайловида «Ратуша» нодавлат ташкилоти раҳбари, Гродно шаҳар мэрининг собиқ ўринбосари Александр Миленкевич қолиб чиқди. Эндиликда келаси йили бўлиб ўтадиган президентлик сайловида Миленкевич асосий даъвогарлардан бири сифатида кўрсатилмоқда. Чунки ҳозирнинг ўзида ҳукуматга муҳолифатда бўлган барча партиялар вакиллари сайловда айнан Миленкевични қўллаб-қувватлашларини баён этганлар.



Бепарволик оқибати

Россиянинг Таганрог шаҳар музейидан қиймати 400 минг АҚШ доллари бўлган бадиий асар ўғирланган. «Сахарлаб бозорга» номли ушбу асар буюк расом Генрих Семирадский (1845-1902) томонидан чизилган. Сўнгги марта асарни 1996 йили музей экспонатларини ревизия қилиш вақтида кўришган. Гап шундаки, мазкур асар музей ертўласида сақланган. Уни кўргазмага қўйишмаган. Айни пайтда жиноят иши кўзгатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Автофалокат рўй берди

Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳри яқинида икки автобус бир-бири билан тўқнашиб кетган. Автобуслардан бири суолтирилган газда ишлаганлиги боис тўқнашув натижасида портлаган. Оқибатда унинг ичида бўлган йўловчиларнинг 21 нафари ҳалок бўлган, қолганлари оғир жароҳатланган. Айни дамда қўллаб ҳайдовчилар бензин нархи ошганлиги сабаб, ёқилғи сифатида газдан фойдаланишмоқда.

Академикка нисбатан айблов



Душанба куні Грузия Бош прокуратураси мамлакат Фанлар академиясининг собиқ президенти

Алберт Тавхелидзега нисбатан жиноят иши кўзгатилиб. Академик коррупцияга алоқадорликда айбланмоқда. Бош прокуратура матбуот маркази вакилининг хабар беришича, Тавхелидзе Тбилисдаги академияга қарашли икки гектар ерни ноқонуний сотиб юборган ва шу билан давлатга 1,7 млн. доллар миқдорда зарар етказган.

Ядро физикаси соҳасида бир қатор кашфийтлар муаллифи, СССР давлат мукофоти соҳиби бўлмиш А.Тавхелидзе 1986 йилдан 2005 йилгача Грузия Фанлар академиясига президентлик қилган, мамлакатда ҳукумат алмашиши билан Россия фуқаролигини олиб, Москвага кўчиб кетган эди.

Нефт танқислиги

АҚШда рўй берган «Катрина» тўфони оқибатида Мексика кўрфазини ҳудудидидаги барча нефть қазиб олувчи ва ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти тўхтатилган эди. Ўз навбатида бу ҳолат нефть маҳсулотлари нархининг ошишига олиб келди. Мамлакатдаги бир нечта авиакомпаниялар айнан шу ваздан бир қатор рейсларни бекор қилди.

Биргина «American Airlines» компаниясининг ўзи 30 сентябрда 16 йўналиш бўйича парвозни тўхтатди. Компания раҳбариятининг айтишича, бу рейслар эндиликда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламай қолган. Таъкидлаш керакки, Мексика кўрфазидида АҚШ авиация ёқилғисининг ярми ишлаб чиқарилади.

Парашютчилар гулканига

Маълумки, парашютда сакраш спорт ишқибозлари талайгина. Бироқ қуйидаги хабар уларнинг сафини анча қисқартириши мумкин. Гап шундаки, душанба куні Флориданинг Делэнд шаҳри яқинида (АҚШ) бортида парашютчилар бўлган самолёт ҳалокатга учраган. Ҳожа жойига етиб келган қутқарувчи ва шифокорларнинг тезкор ҳаракатлари тўғрисида спортчилар орасида қурбонлар бўлмаган. Самолётни бошқарган учувчи эса оғир аҳволда шифохонага етказилган.



Ер юзи аҳолисининг сони бугунга келиб 6 миллиард кишидан ошди. Шунинг ақсар қисми осийликлардир. Хитой аҳолиси 1,3 млрд.ни ташкил этса, Хиндистонники 1 млрд.дан кўпроқ. Бироқ, айрим маълумотларга кўра, рўйхатга олинмай туғилган болаларни ҳам қўша хитойликлар сони 1,5 млрд. бўлиши мумкин. Ушбу мақолада биз ер юзи аҳолисининг ўсиши ёки камайиши ҳақида эмас, балки дунё аҳолисининг тўртдан бир қисмини ташкил этувчи хитойликлар, айни қунда мазкур мамлакатдаги демографик сиёсат тўғрисида фикр юритамиз.



Хитой демографияси

Тасаввур қилинг, ер юзи аҳолисини миллилатлар бўйича ҳисоблаб чиқсак, ҳар тўртинчи одам хитойлик эканлиги маълум бўлади. Хитой ҳудуди жиҳатидан жаҳонда тўртинчи ўринда туради, лекин ушбу ҳудуднинг кўп қисми чулу биёбонлардан иборат, товар ишлаб чиқариш бўйича эса ҳозир аҳоли сони сингари биринчи ўринга чиқиб олган. Шу боис ҳам мутахассислар мазкур давлатга нисбатан «жаҳон фабрикаси» деган иборани ишлатишади. Дунёнинг қайси бурчагига борманг, Хитой молларига кўзингиз тўшади, уларнинг арзонлиги ва бежиримлиги харидорни ўзига тортади. Кузатувчиларнинг фикрига кўра,

яқин 50 йил ичида Хитой дунёда иқтисоди ва бошқа соҳалар бўйича етакчи ўринга чиқиб олади. Бунга мамлакатдаги арзон ишчи қучи ва ривожланаётган саноат туртки бўлади. Бироқ, айни пайтда мамлакатда рўй бераётган демографик ўсиш ҳукумат учун катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Аҳоли сони ўсиб бориши уй-жой, ижтимоий ҳимоя, тиббиёт, таълим тизими ва бошқа соҳаларда талайгина қийинчиликларнинг вужудга келишига сабаб бўлапти. Мамлакатнинг ички иқтисодий заҳира қуввати аҳолини юқорида кўрсатилган соҳалар ҳимояси билан таъминлашга етмаяпти. 1980 йилда бу ҳолатни олдиндан кўра билган сиёсатчилар Хитойда

антиқа бир қонунни жорий этдилар. Мазкур қонуннинг қақирғи «Битта оилага битта фарзанд» тамойилига амал қилади. Қонунга кўра ҳар бир оила битта фарзанд кўриш ҳуқуқига эга. Агар иккинчи фарзанд туғилса, мазкур оила жарима сифатида солиққа тортилади. Бу ҳол яна қайтарилса, яъни фарзандлар сони ошса, оила аъзоларининг фуқаролик ҳуқуқлари бир нечта бандлар бўйича чекланади. Бу қонун қабул қилиниши сабабини яна бошқа томондан ҳам изоҳлаш мумкин. Хитой шаҳарларида яшовчи аҳолининг 250 млн. нафари ишсиз. Албатта, Хитой каби давлат учун бу кўрсаткич ҳеч нарса эмас, лекин ишсизлар сони кўпайиб бурса, ва-

зият қандай тус олишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шунингдек, ҳозир хитойликлар яна бир демографик муаммо олдида туришибди. Социолог Ли Вейсоннинг тадқиқотида кўра, 2020 йилга келиб Хитойда бўйдоқлар сони 40 млн.га етади. Чунки Хитойда эркаклар билан аёллар сони ўртасидаги фарқ шунчани ташкил этади. Социологлар бундай ҳолат юз беришига айнан «Бир оилага бир фарзанд» қонунини сабаб бўлапти деб кўрса-тишмоқда. Ҳар бир миллият оилада ўғли, наслининг давомчиси бўлишини истади. Янги туғилганларнинг жинсий нисбати 1982 йилгача тенг бўлган. Ундан сўнг бу борада тағриш рўй берган. Масалан, 1982 йилдан бошлаб туғилган ҳар 100 та қизга 108 та ўғил бола тўри келган. 2000 йилга келиб бу нисбат 100/107 ни ташкил этган. Бу фарқ ҳозирга келиб янада ошган. Кўпчилик хитойликлар ҳомиладор аёлни шифокор ҳузурига олиб бориб фарзанднинг жинсини олдиндан билиб ололмоқчи бўлади. Агар фарзандқизалоқ бўлса, аксарият ҳолатларда ота-оналар ҳомилани суңый йўл билан олдириб ташлашади. Шу боис ҳам келаси йили ўтказиладиган Умумхитой халқ партиялари йиғилишида мамлакат Жиноят кодексига айрим ўзгаришлар киритиш масаласи муҳокама қилинади. Агар мўлжалланаётган ўзгаришлар йиғилиш қатнашчилари томонидан қўллаб-қувватланса, тиббиёт вакиллари анча эҳтиёт бўлиб ишлашлари тўғри келади. Чунки киритилиши

мўлжалланаётган ўзгаришлар бўйича агар шифокор унинг ҳузурига келган ҳомиладор аёл ёки унинг турмуш ўртоғига туғилажак боланинг жинси тўғрисида маълумот берса ёки жинсий аломатлар бўйича аборт қилса, жиноий жавобгарликка тортилади.

Хитойда кенг тарғиб қилинаётган демографик сиёсат кўп ҳолларда самара бермоқда. Мамлакатда 1 миллиард 300 миллионинчи фуқаро қўтилган муддатдан 4 йил кейин, яъни 2005 йилнинг январ ойида дунёга келди. Хитой аҳоли сонининг ўсишини онгли равишда чеклаган жаҳондаги илк давлатдир.

Хитой Ўзбекистоннинг ақин стратегик ҳамкоридир. Яқин йилларда бу давлатнинг мамлакатимизга киритиши мўлжалланаётган сармояси миқдори 1,5 млрд. доллارни ташкил этади. Утган йили икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 600 млн. долларга етди. Албатта, ҳали бу имкониятлар тўла ишга солиниб дегани эмас. Ўзбекистон ҳамда Хитойнинг бу борадаги имконияти бундан ҳам катта. Бугунги қунда икки давлат ўртасидаги маданий, маърифий алоқалар ҳам кенгайиб бормоқда. Хитойда Ўзбекистон маданияти кунларининг ўтказилганлиги, мамлакатимизда эса Хитой маданияти кунларининг бўлиб ўтгани халқларимизнинг азалий дўстона алоқаларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Дилмурод ЭШМУРОВ тайёрлади

Оғиз ёпиш дуоси

Навайту ан асума совма шаҳри рамазона минал фажри ила
мағриби, холисан лиллаҳи таъала.
Аллоҳу акбар



Оғиз очиш дуоси

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва аълайка таваккалту
ва алба ризқиқа афторту, фатфирли ӯа Фоффару ма қоддамту
ва ма аххорту.

Рамазон	Ҳафта кунлари	Октябр	Саҳарлик вақти тугаши	Ифторлик вақти
1	Сешанба	4	4:38	18:06
2	Чоршанба	5	4:39	18:04
3	Пайшанба	6	4:40	18:03
4	Жума	7	4:41	18:01
5	Шанба	8	4:42	18:00
6	Якшанба	9	4:43	17:58
7	Душанба	10	4:44	17:56
8	Сешанба	11	4:46	17:55
9	Чоршанба	12	4:47	17:53
10	Пайшанба	13	4:48	17:51
11	Жума	14	4:49	17:50
12	Шанба	15	4:50	17:48
13	Якшанба	16	4:51	17:47
14	Душанба	17	4:52	17:45
15	Сешанба	18	4:54	17:44

Тошкент вақти билан тафовут (дақиқа ҳисобида):

Аввал: Чимкент (1), Қобилдом (5), Ҳуқон (7), Жамбул (7),
Наманган (10), Фарғона (10), Андихон (12), Уш (14),
Жалолобод (15), Бишкек (21), Олмаота (21).

Рамазон	Ҳафта кунлари	Октябр	Саҳарлик вақти тугаши	Ифторлик вақти
16	Чоршанба	19	4:55	17:42
17	Пайшанба	20	4:56	17:41
18	Жума	21	4:57	17:39
19	Шанба	22	4:58	17:38
20	Якшанба	23	4:59	17:36
21	Душанба	24	5:01	17:35
22	Сешанба	25	5:02	17:34
23	Чоршанба	26	5:03	17:32
24	Пайшанба	27	5:04	17:31
25	Жума	28	5:05	17:30
26	Шанба	29	5:06	17:28
27	Якшанба	30	5:08	17:27
28	Душанба	31	5:09	17:26
29	Сешанба	1	5:10	17:24
30	Чоршанба	2	5:11	17:23

Кейин: Бекобод (4), Туркистон (4), Жиззах (6), Гулистон (7), Денов (7), Жомйоб (7), Самарқанд (9), Шаҳрисабз (10), Каттақўрғон (12), Қарши (11), Нурота (14), Навоий (19), Бухоро (21), Хива (35).

RAQAM

МИЛЛИАРДЕР
ЎЗ ЎРНИДА

Forbes журнали дунёда энг бой 400 кишининг рўйхатини чоп этди. Унга кўра, Билл Гейтс 51 млрд. доллар маблаг билан биринчи ўринда, Уоррен Баффет 40 млрд. билан иккинчи ва Пол Аллен 22 млрд. билан учинчи ўринни эгаллашган. Утган йилги рўйхатда Билл Гейтс иккинчи ўринга тушиб қолган эди. «Иккинчи» номини кўтара олмаган Гейтс йил бўйи маблағини кўпайтиришга ҳаракат қилди ва кўриб турганингиздек мақсадига эришди.

TURFA OLAM

РУХОНИЙНИНГ «ХАЙРИЯ»СИ

Мексикалик епископ Рамон Годинес маҳаллий католик черкови наркотик моддалар билан савдо қилувчи жиноятчилардан «совға» сифатида пул олганлигини тан олди. Рухонийнинг таъкидлашича, пулларнинг барчаси хайрли ишларга сарф қилинган. Мексика ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларининг айтишича, наркотик моддалар савдосидан тушган маблағларни олиш ва ишлатиш жиноятдир, лекин аини ҳолат юзасидан тергов олиб борилмайд.

АНТИКА ТАЖРИБА

Америкалик олимлар дунёда катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган Амазонка дарёсининг «огирлигини» тортиб кўришга ҳаракат қилишмоқда. Улар дарёда сув кўпайишининг ер қатламига, унда рўй бераётган ўзгаришларга қандай таъсир ўтказишини ўрганишяпти. Дастлабки ҳулосага кўра, Амазонка дарёси сатҳининг ўзгариши ер қатламининг бир йилда 5-7 сантиметр чўкишига сабаб бўлади.

FUTBOL

ҲАНАТЛАРНИНГ ҲИЙЛАСИ

Гамбия пойтахти Банжуладан Перу пойтахти Лимага йўл олган самолёт мажбуран Перунинг Пиура шаҳрига қўнди. Бортида 300 киши бўлган самолёт учувчилари парвоз вақтида Пиура авиадиспетчерига самолётда айрим носозликлар кузатилаётганини ва ёқилги Лимачага учиб боришга етмаслигини рўқча қилиб, қўнишга рухсат олган. Самолётни кутиб олиш учун барча хавфсизлик чоралари кўрилган, бироқ ҳаво кемаси қўниб олганидан сўнг текширилганда ҳеч қандай носозлик ва ёқилги етишмаслиги аниқланмаган. Дастлабки суриштирувлар натижасида аён бўлишича, Гамбиядан Перуга учиб келаётган бир гуруҳ Гамбия футбол терма жамоаси ишқибозлари Пиурада ўша кунни ўтказишни иўлжалланган Гамбия ва Перу терма жамоаларининг йўнингга кеч қолмаслик учун учувчиларни шундай қилишга қўндирганлар. Суриштирувлардан сўнг гамбиялик ишқибозларга стадионга боришга рухсат берилган. Дарвоқе, терма жамоалар учрашувида гамбияликлар 3-1 ҳисобида ғалаба қозонишди.

HAJIYA

Тутдан бери богчамиз атрофи-га ўрнатилган тахта деворни бўйша-га уриналганман-у, аммо ҳали бирон-та тахтага чўтка теккиза олганим йўқ, чунки энгашиб чўткани идишдаги бўёққа тикқаним захоти ёнимда кимдир пайдо бўлиб, гапга туттади. Ана, яна биттаси келяпти...

— Узингизни бунча қийнамасангиз, барибир ташқарида қор-ёғир-да қолиб, уч-тўрт ойда ранги униқиб кетади. Бунинг устига бу қян ўртада байрам-пайрам йўқ.

— Гапингиз тўғри, — дедим мен ва нега деворни бўйшага қарор қилганимнинг сабабини эслаёлмай бошим қўтди. Энди чўткани бўёққа ботирмоқчи эдим, Отел хола гапга тутди.

— Кеч кирганда ялқовларнинг ажи келади, деган мақол жуда топиб айтилган экан, — деди у кулимсираб.

Соатга бундай қарасам, чиндан ҳам кечки овқат вақтига яқинлашиб қолибди. Деворнинг битта тахтасини бўйб улгурсам ҳамкаттаиш бўларди, аммо...

Кимдир йўталиб қўйди. Қарасам қўшим Эйел ёнимда турибди.

— Бўяладиган пайт келган экан ўзи, — деди у тахта деворга назар солиб, — қаранг, эски бўёқлари бутунлай кўчиб кетибди. Эндиканак раанга бўямоқчисиз?

— Ҳозир, кўрасиз-да, — дея чўткани бўёққа ботирдим, аммо уни бўёқдан сугуриб олишга улгурмадим.

— Доим бирорта юмуш билан банд бўласиз-а? Хотинингиз ҳам бахтли аёл экан. Уйим-жойим деб ўзини ўтга-чўққа урадиган эр топиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди, — бидирлади ёнимизга келиб, қўлларини белларига қўйиб олган Колонка-хола. Энгашиб туриш ноқулайлиги боис ўтириб олдим ва бўяётганимда бўёғи ерга томиб кетмасмикин деб чўткани бўёқ идишининг тепа қисмига уриб олдим.

— Ҳа энди, тирикчилик, турмуш шуни тақозо қилгандан кейин нима ҳам қилардик. — Сиз ишингизни бемалол давом эттираверинг, деразадан қарасам, нималар биландир машғулсиз, бирров «хорма, бор бўл-га чққим,

— деди қарама-қарши ҳовлида яшовчи жаноб Риттер.

Энди бўяшни бошлайман деганимда жаноб Герике ўтиб қолди.

— Дам олиш вақти бўлмадимми, қуёш ҳам уфқда бўзариб қолди-ку.

— Йўқ ҳали, — дедим хўрсиниб.

— Кечки овқат тайёр бўлса, хотиним ўзи чақиради.

— Менимча, сиз бўяшни ичкари тарафдан бошлашингиз керак эди, — маслаҳат берди Шэферамаки, — мана мен қирқ йилдан бери шундай қиламан. Шунинг учун Агнес холанг доим миннатдор.

«Ўз ҳолимга қўйганларингда мен ҳам миннатдор бўлган бўлардим», — ўйладим мен, аммо оғиз очмадим. Оппок соқолини хурмат қилдим. Фақат мулоим овоз билан дедим:

— Ичкари тарафини бўйаш ниятим йўқ.

— Нега энди? — сўради хайрон бўлиб Шэферамаки.

Чўткани ерга улоқтирдим. Узингиз ўйлаб кўринг, шу ҳам одамгарчиликми, одам ҳам шунчалик беилтифот бўладими?

Бундай ҳолатда ишлаб бўларканми?

Немис тилидан йўлдош ПАРДА таржимаси

Ральф ВИНЕР,
немис ёзувчиси

— Чунки ташқарисини ҳам бўйб улгурмасам керак, — дедим чўткани баланд кўтариб. Шу пайт жаноб Гаус келиб қолди.

— Бугун об-ҳаво жуда қўл келиб турибди, тезда бўйб ташласангиз керак.

— Албатта, — дедим мен бош силкитиб, аммо ичимда барча йўловчиларга лаънат ўқидим. Улар ишлагани қўядими, йўқми? Деворим билан уларнинг неча пуллики йили бор? Нега ўзларини билимдон чоғлаб маслаҳат бераверяшди? Улар сўз қотса, оғзимга талқон солиб ўтиролмасам! Ҳа, бундай елим одамлар билан ишлаш оғир, жуда оғир. Икки қўлда тўрхалта кўтариб олган Талловист хоним бизга яқинлашди. — Салом, — деди у ва бошқа ҳеч нарса демасдан ёнимдан тезгина ўтиб кетди. Деворга, қилаётган ишимга назар ҳам солмади. Аччиғимдан чикқанидан

ANA XOLOS!

ЕНФИНГА САБАБ
ИСИНИШ

59 ёшли Буюкбритания фуқароси ва 52 ёшли француз аёли Испания ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан 5000 гектар ўрмонни ёқиб юборганлиги учун ушлаб турилмоқда.

Ҳуқуқ-тартибот органи вакилларининг айтишича, бу икки сайёҳ Сиерра-Невададаги ўрмонда адашиб қолишган, мобил телефон воситасида қутқарувчиларни чақирган сайёҳлар улар келгунча исиниб олиш мақсадига олов ёқишган. Натижада сайёҳлар қутқарилган, лекин олов тобора кучайиб, қуриб ётган ўрмонга тез тарқалган. Айни дамда тергов давом этмоқда.

HUQUQ
yuridik gazeta

To'shischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Abdullolq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Bahridin VALIYEV, Pirimkul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), Fozil MAMASHARPOV
(mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'satkichi — 231,232

Tahririyatga kelgan qo'yozma va suratlar egalari qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma № — 958. 10919 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahilalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: Y. PARDAVEY
Mushohid: A. MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 2345678

Gazeta
haftaning
chorshanba
kunlari
chiqadi.

Sotuvda
erkin narxda